



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 21 август, № 162 (5836)

Чоршанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!



Шоурот ШАРАПОВ олгон суратлар.

АЗМУ ШИЖОАТ, ШУКУҲ ВА ФУРУР

Бугун Самарқанд аҳлининг қалбида ана шу туйғулар жўш уриб турибди.



Ер юзининг сайқали

Фурур ва ифтихоримиз тимсолига айланган бу қутлуғ гўшада донги оламга дoston не-не алломалар, илму маърифат фидойилари, қўли гул хунармандлар камол топган. Мазкур муборак манзил дунё тамаддунининг бешиги сифатида ном қозонган, азиз-авлиёлар, муътабар зотларни улғайтирган. Асрлардан сўзловчи қадимий обидалари туйфайли ушбу мунаввар маскан "Ер юзининг сайқали" дея эътироф этилади, алоҳида эҳтиром билан тилга олинади. Қолаверса, ажиб таровати, файзи билан ажралиб турувчи бу кўҳна диёр ҳақида гап кетганда, бутун дунё халқларига маълум бўлган "Фарбада Рим, Шарқда Самарқанд" деган ибора ёдга олинади. Самарқандга хос бундай таърифу

тавсифлар Истиклолнинг нурафшон ёғдуси боис янада жилоланди, янги-ча мазмун-моҳият касб этди. Бинобарин, Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида Самарқанд вилоятида бекиёс янгиланишлар рўй бердики, асрларга татигулик улғувор ўзгаришларни шаҳар, туман ва қишлоқларни кезган киши яққол ҳис қилади. — Буюклик ва донолик кудрати мужассам бўлган, Аллоҳ назари тушган, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Имом Мотуридидий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби улғуларимизнинг излари қолган бу муқаддас замин — Самарқанд истиклол йилларида янада сайқал топди, — дейди республика Маънавият тарғибот маркази Самарқанд шаҳар бўлими раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби Тангир Сатторов. — Шаҳарнинг марказий кўчалари, хиёбонларию боғларида амалга оширилган ободонлаштириш

ишлари туйфайли Мирзо Улуғбек, Бўстонсарой, Даҳбед ва бошқа кўплаб кўчаларнинг таниб бўлмас даражада ўзгарганлиги, бу ерларда маиший шохобчалар, тураржой ҳамда идоралар учун муқташам бинолар, мактаблар, лицейлару коллежлар бунёд этилганлиги Самарқанд довругига доврўк, чиройига чирой кўшмоқда. "MAN" русумли улкан машиналар, замонавий "Isuzu" автобуслари, "Sino" музлаткичлари сержило ва сернақш гиламлар ҳамда бошқа маҳсулотлар вилоятимизнинг нафақат республика, балки хорижий мамлакатларда ҳам нуфузи юксалаётганидан далолат беради. Энг муҳими, бундай янгиланишлар одамлар онгу тафаккурини ўзгартириб юборди. Ҳар кимни фурур билан яшашга, элим, деб, ўртим, деб фидойи бўлишга ўргатди.

(Давоми 2-бетда).



ОБОД ТУРМУШ ФАЙЗИ

Ёши улғу одамлар яхши билишади: авваллари узоқдаги ёру биродарларни тўй-маъракага таклиф қилишга алоҳида хабарчилар тайинланарди. Харажати қўйинг-у, бу хизмати бажаришга бир-икки кун вақт ҳам кетарди. Энди-чи? Қайси кун набирам Абдуллажонга "Бор, болам, қўшимиз Аҳмад бобонгни чақириб келинг", десам, "Бобожон, ахир қўлингизда "сотка" негиз бор-ку, келинг, ўзим қўнғироқ қилиб бераман", деб кулади, уйинг бугдойга тўлғур.

Қаранг-а, бу тезкор тараққиёт мўъжизаларига қойил қолмай иложи йўқ. Қўлимиздаги, уйимиздаги алоқа воситалари туйфайли ишимиз юришайпти, узоғимиз яқин бўлапти. Хориждаги яқинингиз интернет деган ажойибот туйфайли компьютер, қўл телефони орқали сиз билан юзма-юз хангома қилапти. Яқинда олий ўқув юртига тест имтиҳонлари топширган шоирим "Мени табриклар, устоз, талаба бўлдим", деб келганда, ростки, ҳайрон бўлдим. Нега десангиз, тест натижалари ўша кунни эълон қилинган, бу қизимиз эса шу кунни маҳаладан нарига чиқмай туриб, телефон компаниясига жўнатган хабари ёрдамда жавобни билибди. Ана шунда бу мобиль телефон олдига хушхабарнинг қаноти бор, деган гап ҳам ўз кимматини йўқотмадимикан, деб ўйлаб қолдим.

Оиламизда бир вақтлар битта ҳам телефон йўқ эди. Ҳозир, адашмасам, 5-6 та чиқади-ёв. Мамлакат миқёсида-чи? Газетада ўқиб қолдим, юртимиз аҳолиси Марказий Осиёда мобиль алоқадан фойдаланиш бўйича энг юқори ўринлардан бирида турар экан. Бу ҳам халқимизнинг турмуш даражаси тобора фаровонлашиб бораётганининг бир нишониси, албатта.

Абдунаби МУСТАФОКУЛОВ,
«Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби.
Ширин шаҳри.

Масъул сурат

Божхона қонунчилиги ва амалиёт

Ўзбекистон Республикаси Олий судида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва контрабандада оид ишларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти масаласига бағишланган давра сўхбати ўтказилди.

ДАВРА СУХБАТИ

Олий суд Тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ҳокимияти, адвокатура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, олимлар, илмий тадқиқот институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Давра сўхбатида таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, соҳа қонунчилигини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш орқали жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти

Маълумки, мамлакатимизда жамият ҳаётини демократик талаблар асосида модернизация қилишга асосий вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, улар изчил такомиллаштириб борилаёпти.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар, жумладан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Шубҳасиз, кўп партиявийлик тизимига оид қонунчилик асосларини маромига етказиш, жойларда давлат ҳокимияти вакиллик органларида партиялараро рақобат муҳитини кучайтириш ва кенгайтириш бу борадаги эзгу мақсадлар рўёбининг муҳим ва зарур шартидир. Шу кунларда парламент куйи палатасида кенг муҳомадан ўтаётган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган "Сийёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва

қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ана шу сазъ-ҳаракатларнинг мантикий давомидир. Буни мазкур ҳуқуқий ҳужжат бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг куйи палатадаги фракциялари аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Бюджет ташкилотлари учун янги тизим

2014 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасининг барча бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ягона "ЎЗАСБО" тизимида юритила бошланади.

АНЖУМАН

Бу ҳақда бюджет ташкилотлари мутахассисларини "ЎЗАСБО" дастурий комплекси билан таништириш мақсадида ташкил этилган семинар-тренингда маълум қилинди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилиги, вазирлик ҳузуридаги Ахборот-ҳисоблаш маркази ҳамда Молия органлари ва бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлимлари ходимлари жалб қилиниб, янги дастурий комплекс билан яқиндан таништирилди. Таъкидлаш жоизки, келгусида улар орасидан мутахассисларни янги тизимда ишлаш кўникмаларига ўргатадиган худудий мураббийлар тайёрлаш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси эртага — 2013 йил 22 август кунни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2013 йил 21 август кунни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесида рўйхатга олинади.

1991



2013

2005 йил

«Сихат-саломатлик йили» деб номланган ушбу йилда жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустақкамлашга, жисмонан соғлом ва маънан етук ёш авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан фаол шугулланишига йўналтирилган изчил ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Саломатлик-2" лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа доирасида 70 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ қишлоқ жойлардаги бирламчи тиббиёт бўғини муассасалари инфратузилмасини янада яхшилашга йўналтирилди.

Тошкент вилоятида ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод — 2005" спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий-техника базасини яратиш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси очилди.

Президентимиз ташаббуси билан Муस्ताқиллик майдонида Эзгулик аркаси бунёд этилиб, Бахтиёр она ҳайкали ўрнатилди.



Демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Б. АБДУЛЛАЕВА, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбари

— Шу кунларда ҳамюртларимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Эътироф этиш лозимки, истиқлол йилларида бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўллади ислохотлар, янгиланишлар амалга оширилди. Бунда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурлишидаги роли ҳамда аҳамияти юксалтириш доимий диққат-эътиборда бўлиб келатган масалалардан дидир, албатта.

Яқинда депутатлар ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига бир қатор ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилгани ҳам бунинг бир мисоли, дейиш мумкин. Пировадидга сиёсий партиялар қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ўз максадларини парламентдаги фракциялари орқали янада самаралироқ рўёбга чиқариш имконияти яратилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси қўша йиғилишида “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани ана шундан далолат беради. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат партиялар гуруҳларининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кучайтиришга қаратилгани билан долзарбдир.

Мазкур қонун лойиҳаси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун ҳам муҳим ўрин тутди. Сабаби, унинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашидаги партия гуруҳлари фаолияти кўмағида унинг роли ҳамда аҳамияти кучайтирилади. Бу эса қонунчилик ваколатларини амалга ошириш бўйича ишлар самарадорлигини янада юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Жумладан, партия гуруҳларида тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини сессияларда эшитиш ҳуқуқи беришга оид тақлиф этилаётган нормага партиямиз алоҳида эътибор қаратиб, уни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Айни чоғда қонун лойиҳасида партия гуруҳларининг тегишли равишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги қиритиладиган масалаларга бўйича тақлифларнинг қўриб чиқилиши шартлиги белгилаб қўйилаётди. Бу эса, бир томондан, партия гуруҳлари тақлифларини янада катта эътибор билан қўриб чиқиш масъулиятини оширса, бошқа тарафдан, уларнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётга оид турли масалаларини муҳокама қилиш жараёнига янада фаоллик билан ёндашувида туртки беради. Шу ўринда аҳолининг катта қисми ислохотларни рўёбга чиқарувчи асосий куч — фермерлик ҳаракати кенг қўлаб ёзаётган қишлоқ ҳуқуқдорларини инobatга олиш лозим. Айнан фермерлар мулкдорлар сифатида мамлакат гуллаб-яшнашига муносиб ҳиссасини қўшиб, оилаларида, маҳаллаларида ҳаёт сифати ҳамда даражасини оширишда муносиб иштирок этишмоқда. Бинобарин, замонавий фермер нафақат деҳқончиликнинг барча жиҳатларини яхши билиши, шу

билан бирга, бугунги давр қўяётган янги вазифаларни ҳам чуқур англаши зарур. ЎзЛиДеП фикрича, қонун лойиҳаси жойларда партиялар ролининг ошириш асосида фермерларга ҳам депутатлар гуруҳлари орқали тегишли халқ депутатлари Кенгашидаги партия гуруҳлари фаолиятида ўз манфаатларини инобатга олишларига эришиш йўлида қўшимча имконият беради. Шундан келиб чиқиб, шубҳасиз, партиямиз ушбу қонун лойиҳасини маъқуллашди. Ва унинг қабул қилиниши сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли, уларнинг маҳаллий вакиллик органлари фаолияти устидан масъулиятини янада кучайтиришда аини мудида, деб ҳисоблайди.

Б. КУШАКЕВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Маълумки, маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг барча босқичларида демократик тамойилларнинг мустаҳкамлаши, бунда халқимиз манлиқлиги, қадриятлари ҳамда маданиятининг ўзига хос жиҳатларини уйғуллаштириш учун шарт-шароитларни яратиш “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устувор вазифаларидир. Фракциямиз аъзолари айнан шу нуқтаи назар билан “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда муҳокамадан ўтказиш жараёнида фаол иштирок этди. Фикримизда, мазкур қонун лойиҳаси, биринчи гада, жойлардаги ижтимоий партияларнинг шакллантириш, улар фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга йўналиш берилган натижаларини давомидир. Чунки, мазкур ҳуқуқий ҳужжат партия гуруҳлари тегишли вакиллик

органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича тақлифлар киритиш ҳуқуқи ўз фодосини топган. Бу янгиллик биз тўлиқ қўшлаймиз, албатта.

Шундай қилиб, тақлиф этилган ва партиямиз томонидан тўла қўллаб-қувватланган мазкур қонунчилик ташаббуси маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида партияларро курашини янада кучайтиради. Умуман, бу борадаги ўзгаришлар партия гуруҳларининг халқ депутатлари Кенгашидаги фаолиятидаги иштирокини фаоллаштириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларга қабул қилинаётган қарорларга таъсир этиш имкониятларини кенгайтиради.

Р. ГАЙМОВА, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Биз Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар сафидан жой олиш стратегик мақсадига эришиш кўп партиявийлик тизимини янада раванг топтириш ҳамда мустаҳкамлаш, партияларро рақобат муҳитини шакллантириш билан ҳам узвий боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Қайд этиш лозимки, республикамизда сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришнинг самарали воситаси, халқ ҳокимияти конституциявий принципини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг халқчилуви омилига айлиниб бораёпти. Аммо бу каби ижобий ўзгаришлар кузатилаётганига қарамай, парламент кўйи палатаси доирасида олиб борилаётган назорат-таҳил тadbирлари натижалари шунини кўрсатмоқдаки, халқ депутатлари Кенгашидаги партиялар гуруҳлари

фаолияти мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган ислохотларнинг бугунги босқичидеги талабига ҳар доим ҳам жавоб бераёпти.

Энг аввало, бу партияларнинг жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, зиммасига юклаган мажбуриятларни бажара олмаётган раҳбарларни очик танқид қилиш борасида етарлича фаоллик кўрсатмаётганида намён бўлаётди. Шунинг учун ҳозирги давр талабларини инобатга олган ҳолда ишон билан айтиш мумкинки, агар у ёки бу партия мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга истиқболда ҳам ҳамқадам бўлишни истаса, буни ҳудудлар миқёсида фаоллик кўрсатиши орқали исботлаши лозим.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бўйича вазифалар, шубҳасиз, тақлиф этилган қонун лойиҳасига киритилаётган нормалар асосида ҳал қилиниши мумкин. Қонун лойиҳасида партия гуруҳларини ташкил этиш шартлари ҳамда тартибини аниқлаштириш назарда тутиляпти. Масалан, унда партия гуруҳини ташкил этиш учун депутатлар сони беш нафардан кам бўлмаслиги кераклиги белгилаб қўйилапти. Яъни партиялар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига ўз вакилларининг янада кўпроқ сайланишига эришиши зарур. Бу эса улардан бевосита жойларда ўз электорати билан ишлаш самарадорлигини оширишларини талаб этади.

Мухтасар айтганда, партиямиз фикрича, қонун лойиҳаси жамиятнинг демократлаштиришнинг муҳим ва зарур шартли сифатида кўп партиявийлик тизимини қонунчилик асосларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўз навбатида, қонун жойларда давлат ҳокимияти вакиллик органларида партияларро рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда кенгайтиришда салмоқли ўрин тутди, сиёсий партияларнинг низомлари ва дастурларидаги мақсадлари ҳамда вазифалари бўйича шакллантирилган фикрлари, энг асосийси, электорат манфаатларининг халқ депутатлари Кенгашида янада кўпроқ инобатга олинишини таъминлаш имконини беради.

Сайджон МАХСУМОВ.

Бюджет ташкилотлари учун янги тизим

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Семинар-тренингда қайд этилганидек, мамлакатимизда барча соҳаларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларида кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. “ЎЗАСБО” дастурий комплексининг амалиётга жорий қилиниши бу борадаги ислохотларнинг мантқий давоми бўлиб, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби юритишини автоматлаштириш имконини беради.

— Ушбу дастурий комплекс бюджет ташкилотлари маълумотларини Молия вазирлиги маълумотлар марказида тўплаши, уни ишончли сақлаши билан ажралиб туради, — дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги молия органлари ва бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинимлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази директори вазифасини бажарувчи Ботир Нурматов. — Қолаверса, дастур ҳимояланган каналлар орқали “Ҳазначилик” ҳамда бошқа мавжуд дастурий комплексларга интеграциялашиш учун кенг шароит яратди.

Шу ўринда айтиш жоизки, айни чоғда бюджет жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш, Молия вазирлигининг иختисослаштирилган дастурий маълумотлари ёрдамида ҳисоб ва ҳисобот масалаларини ўз ичига оладиган бюджет даврини ахборотлаштириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Айни пайтда амалиётга “ЎЗАСБО” билан биргаликда таъбиқ этиладиган “Бюджет ташкилотларини паспортлаштириш” дастурий комплекси лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилаётгани бунинг яққол далилидир.

Дарвоқе, “ЎЗАСБО” дастурий комплекси билан барча бюджет ташкилотлари бепул уланади.

Р. САИДОВ.

Мамлакатимизда

БАХТИ БУТУН АЁЛМАН

Уч келимиз. Овсинларим — Эркинкой, Маҳидиҳон — ҳаммамиз шу ҳовлига келиб тушганимиздан қўлимизга игна ушладик. Қайнонам Саломатхон ая бизга зарфўзлик, беқасам тўнлар қавиш, дўппи тиқиш, чеварликни ўргатди.

Бугун бизнинг қўлимиздан чиққан либослар, бош кийимлар анча харидорсиз. Ҳар куни янги-янги буюртмалар оламиз. Аслида менинг бахтим ҳунармандлигимда эмас, балки шундай оилага келиб бўлиб тушганимда!

Қайнонам — ҳақиқий она. Шунинг учун ҳам уларга “Ая” деб мурожаат қиламан. Эришаётган ютуқларини кўриб, гурурланаман.

Айни пайтда аямнинг кўмағи билан “Шаҳрихон ҳунармандлари” масъулияти чекланган жамиятида фаолият юратаямиз. Бу ерда биз каби 116 нафар каштадўз, попопчи, тўн ва белбоғ тикадиган чеварлар, турли бичимдаги жемпер ҳамда камзул тўқийдиган қиз-жуёнлар жамланган. Ҳар биримизга меҳнат дафтарчаси очилган. Яхшигина даромад ҳам топаётимиз. Орамизда элга танилган ҳунармандлар ҳам талайгина.

Мустақиллик оналаримиз, момоларимизнинг бой меросини асраб-авайлаш, унинг эжозибодор, мафтункор намуналарини яратиш, дунёга кўз-қўз қилиш имконини берди. Ҳунармандларнинг машаққатли меҳнати қадр топди. Шундан жуда ҳам хурсандман.

Дилоромхон ХУДОЙБЕРДИЕВА, ҳунарманд, Шаҳрихон тумани

1991



2013

2006 йил

● “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинган мазкур йилда халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамияти кучайтирилиб, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштироки кенгайди, уларнинг аҳоли ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳиссаси ошди, шунингдек, тиббиёт ходимлари касбининг обрў-эътибори янада кўтарилди, меҳнат шароитлари яхшиланди.

● Президентимиз тақлифига биноан, Мустақиллик майдонида бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини муҳасаммалаштирган янги монументга “Мустақиллик ва эзгулик монументи” деб ном берилди.

● Юртбошимизнинг “Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси ташкил этилди.

● Қарши шаҳрида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари — 2006” спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Қаршида мазкур тадбирни юқори савияда ташкиллаштириш, иштирокчиларни қўриб олиш, жойлаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасида барча қулайлик ва шароитлар яратилди.

● Давлатимиз раҳбари томонидан 1 май куни имзоланган “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга асосан, юртимизда қобилиятли ёшларни футболга жалб қилиш, футболчилар янги авлодининг ишончли захирасини шакллантириш кенг йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур ойда “Пахтакор” футбол клубининг 50 йиллиги кенг нишонланди. Юртбошимиз мазкур сана муносабати билан табрик йўллади.

● 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида бевосита Президентимиз ташаббуси билан “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танлов таъсис этилди. “Олтин қалам” I Миллий мукофоти учун эълон қилинган дастлабки танловда 136 нафар журналист 1669 та ижодий иши билан қатнашди.

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бунёдкорлик салоҳияти

Инсон бахтли яшашни истайди. Шу ниятда изланади, интилади, дилга эзгу ниятларни тугиб, келажакка умид билан кўз тикади. Ифтихор қилсак арзийдики, жонажон Ўзбекистонимизда фаровон ҳаёт кечириб, бахтиёр турмуш нашидасини суриш учун барча имконият шарт-шароит яратилган. Қабул қилинаётган фармон ва қарорлар

бундай гўшада, пишиқ гишту мустақам материаллардан бунёд этилган уйда яшашга нима етсин?!

Кексаларга хурмат — ёшларга ибрат

Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор” деган нақл бор. Зеро, кексалари эъзозланган, отахону онахонлар қадрланган жойда файзу барокат бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, вилоятда амалга

АЗМУ ШИЖОАТ, ШУКУҲ ВА ФУРУР

Бугун Самарқанд аҳлининг қалбида ана шу туйғулар жўш уриб турибди.

инсонпарварлик, элпарварлик гоғларига йўрилгани, шу муқаддас Ватанда азиз саналган кишилар манфаатига хизмат қилаётганлиги фикримиз исботидир. Биргина намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ ҳудудларида қад ростлаётган уй-жойларни олайлик. Бу — қишлоқда турмуш маданияти юксалиб бораётганлиги, одамларга муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш берилаётганлигининг бир кўриниши, ҳолос.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқларда қурилаётган уй-жойлар кенглиги, қулайлиги билан аҳолида катта қизиқиш уйғотди. Бунинг мазкур рақамлар мисолида ҳам англаш мумкин: вилоятда 2009 йилда 60 та, 2010 йилда 650 та, 2011 йилда 695 та, 2012 йилда 900 та ана шундай уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган. Жорий йилда эса 1050 та уй-жой бунёд этилаёпти.

— Илгари янтакдор шувуқзордан ибрат бўлган ерда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар, мактаб, спорт мажмуаси, қишлоқ врачлик пункти, савдо ва маиший хизмат комплекслари қурилган, худудимизда ажойиб даҳа пайдо бўлди, — дейди Оқдарё туманидаги “Пўлатдархон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Содик Абдиев. — Гўёки, кўз ўнгимизда эрталар шаҳарчаси қад ростлагандек. Аслида ҳам бу каби бунёдкорликлар чўлини бўстон, қароқ ерларни гулистон қилмоқда. Хусусан, ўзимизнинг Қирқдархон массивини олайлик. Бу ерда 2010 йилда 20 та, 2011 йилда 69 та, 2012 йилда 169 та уй-жой қурилиб, ҳовли тўйларни ўтказилди. Жорий йилда ушбу масканда яна 140 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Шаҳардан қолишмайдиган

оширилаётган ўзига хос эзгу ишлардан бири, бу — нурунийларга хурмат қўрсатиш, катта ҳаётий тажрибага эга оқсоқоллардан йўл-йўриқ сўраш, уларнинг панд-насиҳатларига амал қилишдир. Ўз навбатида, нуруний отахонлару онахонлар ҳам ёшларга мураббий, маънавий кўмакчи, энг яқин маслахатчи сифатида бош-қош бўлишапти.

— “Ободлик кўнгилдан бошланади”, деган ибора бугунги кунда кенг қанот ёзганлиги, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этаётганлиги туғайли юртимизда қуркам ва фаровон ҳаёт ҳамда тинчлик, осовийштаклик ҳукмрон, — дейди “Нуруний” жамғармасининг Самарқанд вилоти бўлими раиси Хасан Нурмуродов. — Бунинг қадрлари, шу эзгу сазй-ҳаракатларга муносиб тарзда ишлаш, фидойили бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шу маънода, бугун вилоятда қарияларимизни қадрлаш, уларга эҳтиром қўрсатишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Масалан, жорий йилда 643 нафар фахрийга Ватан ҳимоячилари куни, Хотинқизлар, Наврўз байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш кунларида жами 58 миллион 846 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Бундан ташқари, 8402 нафар фахрийга вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, қорхона ва ташкилотлар, фермер ва тадбиркорлар, олий ўқув юрталари, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида турли ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди. 5470 нафар кишига эса сихатҳоқларга йўлланмалар ажратилди.

Буларнинг барчаси дуоғўй отахону онахонларимиз кўзига нур, қалбига сурур бағишлаётди. Шу-нунинг ўзи бебаҳо неъмат эмасми?!



Узукка кўз қўйгандек...

Бугун Пастдарғом, Самарқанд, Жомбой, Оқдарё, Каттакўрғон, Нарпай, Пахтачи, Тайлоқ туманлари ҳам кундан-кун ободонлашиб, нури манзилларга айланмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳақида кўп ва хўп гапириб мумкин.

Масалан, шу кунларда Пайариқ туманида бўлсангиз, хушхабарларни эшитасиз. Бунинг сабаби шуки, туманининг Пайариқ ҳамда Челақ шаҳарларида кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Ҳар икки шаҳарда истироҳат боғлари, бу истироҳат боғлари ўртасида мусиқали фавворалар, Пайариқда “Ешлар маркази”, савдо, маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган замонавий бинолар қад ростлади, кўчалар кенгайтирилиб, йўллар таъмирланди. Қисқа даврда ҳомийлар кўмағида қарий беш миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

— Яхши ният, эзгу мақсад, қатъий қарор кишини ташаббусга ундайди. Одамларни аҳилликка, фаолликка қорлайди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонднинг туман бўлинимаси раиси Сайдулло Байзоқов. — Бугун барча жойларда бўлганидек, туманимиздаги янгиланиш, яшариш давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги, эътибори туғайлидир. Очиғини айтиш керак, илгари биз ҳозиргидек фаровон ҳаётни, обод турмушни тасаввур ҳам қилолмасдик. Истиқбол асрий орзуларимизни рўёбга чиқарди, афсоналарни ҳақиқатга айлантди. Энди ҳамма гап ана шу бойлик — осуда замон, дориламон кунларни қадрлашда, эъзозлашда.

— Ургут шаҳрига кириб келаркансиз, жадал сурьатларда давом этаётган ободончилик-қурилиш ишлари қўламинда ҳайратга тушади, — дейди “Ургут садоси” газетаси муҳаррири Файзи Хайдаров. — Аввалги тор ва ўйдим-чуқур йўл халқаро андозалар асосида кенгайтирилди. Унинг икки тарафидеги кўрimsиз иншоотлар ўрнида замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари уйғунигида бири-биридан чиройли бинолар қад кўтаряпти. Туман марказидаги маданият ва истироҳат боғи эса Ургутнинг пуриқор тоғларидаги жозинбадордир. 4 гектар майдонни эгаллайдиган боғда ҳозирча 2300 туп ноёв дархат қўчатлари экилди. Битта яхлит майдонда кўкаламзор маскан яратилаётди.

Маданият ва истироҳат боғининг янада қўрақ қиёфага кириши учун ҳудудда шарқона рудҳага санъат асарлари ўрнатилади. Бу ерда болажонларнинг эрталар оламага саёҳат қилишлари, ўйнаб-қувнашлари, яйраб дам олишлари учун турли аттракционлар келтирилиши, кичик саҳналар, амфитеатр қурилиши мўлжалланмоқда.

Боғнинг шарқий томонида, қарий 4 гектар ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилляпти. Бу ерда замонавий кўринишдаги стадион, турли спорт заллари қуриляпти. Шунингдек, жаҳон андозаларига мос сузиш ҳавзасини барпо этиш ҳам режалаштирилган.

Байрамонда кайфият, қизгин таратдуд

Самарқанд нафақат тарихий обидалари, кўтлуг зийратгоҳу та-

баррук манзиллари билан, қолаверса, бетакор фестивал ҳамда халқаро маданий-матридий анжуманлар, тадбирлар, тантаналари орқали ҳам маълуму машҳур бўлиб бормоқда.

Биргина “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалини оладиган бўлсак, унинг нуфузи йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Дуненинг қай бир манзилу маконларида иқтисодий инқироз, маънавий таназзул авж олиб, ўзаро меҳр-оқибат, мурувват, раҳм-шафқат каби чин инсоний ҳислатлар заволга юз тутиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда эзгу мақсадларни ўзида муҳасам этган санъат байрами ўтказилиши беқийс қадрлидир. Шу боис айни пайтда вилоятда истиқлолимизнинг кўтлуг тўйи ҳамда халқаро мусиқа фестивалига қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Қиёфаси тубдан ўзгарган, халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган Самарқанд аэропорти, темир йўл вокзали, мусиқий йўлунлашган Самарқанднинг бутунлай янгиланганидан ҳайратланишлари аниқ.

Булардан аён бўладики, Самарқанд вилотида мустақиллигининг 22 йиллиги байрамини муносиб таратдуд қўрилмоқда, элулу Истиклол айёмининг чин дилдан тантана қилиш ниятида озуиш жоиз, хушу хурсандчилик ёғушида улуг шодиёнага ёғу юз билан пешвоз чиқмоқда.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, Маммадӣр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.



БУГУННИНГ ҚУВОНЧИ, ЭРТАНИНГ УМИДИ

“Юк кўтарган юзага чиқади”, дейишди. Рост, ҳаракат қилган одам кам бўлмас экан. Ҳали ёш эканимга қарамай, бунга кўп бор амин бўлдим.

Пешона экан-да, болаликдан ногиронман. Лекин нолимайман. Эришган ютуқларимдан қувониб, ким эдим, ким бўлдим, дейман ўзимга ўзим.

Мустақиллик билан қадам-қадам улғайиб, аввал Тошкент давлат юридик коллежини, кейинчалик Тошкент давлат иқтисодий университетини тамомладим. Ҳозир Давлат-тижорат Халқ банкнинг “Тўйтепа” филиалида масъул лавозимда хизмат қилаяман.

Спортга қизиққаным учун жаҳон майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтарган юртдошларимга ҳавасим келарди. Шу туфайли ногирон-ампутантлар футбол секцияларига қатнай бошладим. Иштиқоқим зое кетмади. Футбол бўйича мамлакатимиз ногирон-ампутантлар терма жамоасига қабул қилиндим. Бир эмас, икки карра Жаҳон чемпиони бўлдим. Қўйилмасиз?! Баъзан тенжер жўраларим ҳазиллашиб, “Ҳикматжоннинг қўли иккита бўлганида, Оливер Кенга нон қолмасди”, дейишди. Майли, шунисига шукр. Ахир бугуннинг қувончи, эртанинг умиди билан лияятимиз-ку. Бундан ортқ бахт борми ўзи?

Уйлаб қоламан: “Бўлганим шу экан”, деб, шифтга термилиб ётсам нима бўларди? Йўқ. Мустақиллик қандай яшаш кераклигини ўргатди. Нимагаки эришган бўлсам, мени ҳаётга қайтарган, жамиятга қўшган, ғайрат-шижватимни тоблаган Иштиқоқ, унинг тоғли неъматлари туфайлидир. Бунинг учун то абад шукроналар айтаман!

Ҳикматжон РАСУЛОВ,
Футбол бўйича Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси аъзоси, жаҳон чемпиони.

1991



2013

2007 йил

● Мазкур йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўлами янада кенгайтирилди. Эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлиги оширилди.

● Самарқанд автомобиль заводидида дастлабки “Isuzu” автобуслари ишлаб чиқарила бошланди.

● Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда “Ислом маданиятининг пойтахти”, деб эълон қилди.

● Пойтахтимизда илк марта “Фонд Форум” томонидан таъсис этилган “Педагогик грантлар дастури” голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов пойтахтимиздаги Ҳазрати имом (Хастимом) мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида бу ерга ташир буюрди.

● Президентимиз “Тошгузар — Бойсун — Кумкўрғон” янги темир йўлининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.



● Давлатимиз раҳбари қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашди.

Божхона қонунчилиги ва амалиёт

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуларга мос равишда ягона суд амалиётини ўрнатиб, қонунлар бир хил қўлланилишини таъминлашга қаратилган саяё-ҳаракатлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бу эса бозор муносабатлари, хусусан, чет давлатлар билан бўладиган иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожланишида муҳим омил бўлаётди. Афсуски, ушбу жараёнда, яъни хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик жадаллашиб бораётган бир пайтда божхона қонунчилигини бузиш ва контрабанда товарларини олиб киришнинг янги усуллари ҳам юзага келаяпти. Мазкур ҳолат бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалдагиларини тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

— Маълумки, контрабанда учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига алоҳида белгилаб берилган, — дейди Олий суд Тажикот маркази етакчи маслаҳатчиси Шароф Мўминов. — Унда қандай махсулотлар контрабанда моллари ҳисобланиши ҳамда қандай ҳаракатларнинг контрабанда дея баҳоланиши билан боғлиқ масалаларга оидинлик киритилган. Аммо бугунги тезкор замон бу борадаги қонунчиликни тақомиллаштиришни кун тартибига олиб чиқди. Шунга кўра, Олий суд томонидан суд-тергов амалиётида ҳуқуқни қўллаш фаолияти ягоналиги ва қилмишларни тўғри квалификация қилишни таъминлаш ҳамда қонунчилик нормалари турлича шарҳла-

нишига йўл қўймаслик мақсадида “Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Пленум қарорининг янги тахрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тадбирда Пленум қарорининг янги тахрирдаги лойиҳаси мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида ҳам батафсил сўз юритилди. Хусусан, мазкур лойиҳада контрабанда жинояти хусусиятига эга ҳаракатлар ва ҳужжатларни қалбақлаштириш деганда нималар тушунилиши апрофлича ёритилгани ҳамда жиноят предмети ашёвий далил ва жиноят предмети, деб топилиши масалаларига аниқликлар киритилгани иштирокчилар томонидан муносиб баҳоланди. Айни чоғда лойиҳани янада тақомиллаштириш билан боғлиқ тавсиялар муҳокама қилинди.

Шунингдек, анжуманда суд-ҳуқуқ тизимига олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, жиноят-процессуал қонунчилик ҳужжатларини тақомиллаштириш ҳамда контрабанда ва божхона қонунчилигини бузиш ҳолатлари бўйича суд амалиёти ҳамда бу борада хориж тажрибаси каби кўплаб масалалар таҳлил қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ва судларнинг мазкур йўналишдаги ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Яқунда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ўрнида

«METAL GAZ» МЧЖ

жамоаси

азиз юртдошларимизни Мустақилликнинг 22 йиллиги шодиёнаси билан кутлайди!

Ма.млакати.миз тараққиёти йўлидаги меҳнатингизда юксак зафарлар ҳа.миша ёр бў.линг! Эзгулик нури қалбингизни до.мо нурафшон этиб туришига тилакдош.миз!

«SN INVEST» КОМПАНИЯСИ

қуйидагиларни етказиб беради:

- гўзаоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўри йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- бог ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- бугдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб сугорувчи мосламалар
- ем майдалаб таркатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер

Максимум сертификатланган.

Tel: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

ТАНЛОВ

Пойтахтимиздаги “City Makon” маданий-маърифий кўнгилочар марказида V замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танловининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир “Фонд Форум”, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Эпчиллик, маҳорат, тажриба

Танловда юртимиз ва хориждаги 42 та рақс жамоасининг ёш истеъдод соҳиблари аънавий спорт-бал, миллий ва замонавий рақслар, street-dance — кўча рақси, freestyle — эркин услуб, спорт акробатикаси ҳамда бадий гимнастика каби йўналишлар бўйича ўз маҳоратларини намойён эттишти.

Эътиборлики, бу йилги тадбир мазмун-моҳияти ва кўлами жиҳатидан аввалги йиллардагига нисбатан бирмунча фарқ қилди. Чунки бу гал лойиҳа доирасида фақат миллий ва замонавий рақслар беллашувидан ташқари, турли кўргазмалар, роллер, скайтер ҳамда велосипед ва паркурчи-атлетлар ўртасида танлов ўтказилди. Болаларнинг миллий рақс, хип-хоп, брейкдансинг, поппинг ва данс-

холл каби йўналишдаги рақслари ҳам иштирокчиларга ўзгача завқ бағишлади.

Чиқишлар моҳир хореографларимиз ҳамда хорижий мутахассислар томонидан баҳолаб берилди. Ташкил этилган маҳорат дарслари эса ёшларимизнинг рақс санъатига оид билимларини янада кенгайтирди.

— Рақс — ғайрат ва шижоат, яхши кайфият ҳамда саломатлик белгисидир, — дейди street-dance бўйича АҚШлик мутахассис Брайан Маршалл. — Маҳорат сабақлари давомда ўзбекистонлик ёшларнинг билимга чанқок, чинакам истеъдод эгалари эканига амин бўлдим. Бу ерда хореография ва спорт пластикаси билан шуғулланиш учун яратилган қулай шароит ва имкониятга ҳавас қилса арзийди.

— Танловда икки йилдан буён қатнашиб келаямиз, — дейди Ҳамза туманидаги “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказининг “Кўзминчон” ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари Санобар Маждидова. — Ўтган йили мазкур тадбирда иқтидорли қизалоқларимиз “Пилла” рақсини ижро этиб, санъат усталарининг олқишига сазовор бўлишганди. Қувонарлики, бу йилги чиқишимиз ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбирда голиб ва совриндорларга махсус диплом, сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Танлов энг фаол иштирокчиларнинг концерт дастури билан якунланди.

О. ЛУТФУЛАЕВ.



Ёпиш. ШАМСИДДИНОВ олсон сурат.

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!»

Ватанга муҳаббат туйғуси шоир қалбидан шеърю газал, бастакор ва хонанда юрагидан кую нола бўлиб чиқади. Ана шу уч ижод намунаси кўшиққа айланганда эса, дилни титроққа солувчи асар яралади.

Меҳр ва садоқат ифодаси

Зеро, Ватанни мадҳ этиш, унинг гўзаллиги жоизбасини тараннум қилиш — олий саодат.

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ ўтказиб келинаётган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг якуний босқич беллашувларини томоша қилиб, бунга ана бир карра амин бўлдик.

Танловда турли вазирилик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида голиб чиққан 19 нафар ижодкор ҳамда 5 та жамоа қатнашди. Тақдим этилган асарларни баҳолашда уларнинг матни, муסיқаси ва ижро маҳоратига, Ватани шарафлайдиган, ор-номус, қадр-қиммат, гурур ва ифтихор каби фазилатлар маҳорат билан ифодаланганига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик-танловнинг якуний натижалари Иштиқолимизнинг 22 йиллиги шодиёналари арафасида эълон қилиниб, голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланади.

Ф. БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Осиё ўйинларидаги муваффақият

Шу кунларда Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида II Осиё ўйинлари бўлиб ўтмоқда.

СПОРТ

Қитъамизнинг 45 давлатидан 17 ёшгача бўлган 2,6 мингдан зиёд ўсмирлар ва қизлар ўзаро беллашаётган мазкур нуфузли мусобақада ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли қатнашишарди. Хусусан, дзюдочимиз Дос-тонбек Рўзиев (55 кг.) барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Еш истеъдодли полвонларимиздан Улуғбек Отамуродов (-66 кг.) ва Мухриддин Мирзаёров (81 кг.) эса финалда рақибларига имкониятни бой бериб қўйишди. Ушбу спорт турининг қизлар ўртасида кечган беллашувларида Диёра Келдиёрова (-44 кг.) ва

Турсунпошша Нурметова (63 кг.) кучли учқидан ўрин эгаллади.

Мусобақа дастуридан жой олган теннис бахсларида Жўрабек Каримов ва Арина Фольцдан иборат аралаш жуфтлик чорак финалга чиқди. Вакилларимиз ушбу босқич йўлида қатарлик Абдулла Алмоуд/Олла Мурод тандеммини мағлубиятга учратди.

Кеча спортчиларимиз энгил атлетика, ўк отиш, қиличбозлик, сузиш, баскетбол ва теннис бўйича ўз имкониятларини намойиш қилдилар.

II Осиё ўйинлари 24 августга қадар давом этади.

Фазлиддин АБИЛОВ.

“Ўзбекфильм” ОАЖ жамоаси устоз санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Диас РАҲМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси Овоз режиссёрлари ва муסיқа танловчилари гуруҳининг овоз режиссёри

Қолибжон АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



O'ZSANOATQURILISHBANK

*«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ жамоаси
барча ватандошларимизни энг улуг, энг азиз байрамимиз —
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни
билан муборакбод этади!*

*Сизларга бахт ва омад, муқаддас
Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги
бунёдкорлик фаолиятингизда янгидан-янги
зафарлар ҳамиша ёр бўлсин!*




«ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ»
ДАВЛАТ ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ

**мамлакатимиз аҳлини
Ватанимиз Мустақиллигининг**

22 йиллиги
билан самимий қутлайди!

*Барангизга суҳат-саломатлик,
хонадонингизга тинчлик-
хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!
Мустақиллигиниз абадий
бўлсин!*



«Иффақли келин»
ўқув маркази жамоаси

юртдошларимизни саодатли байрам —
Мустақиллик куни
билан чин дилдан табриклайди!



*Кўхна ва ҳамиша навқирон Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатларингиз
самаралари юртимиз жамолини янада очиб, эл фаровонлиги,
мамлакат тараққиётини бундан-да юксалтираверсин.
Истиқлол байрами барчамизга муборак бўлсин, азизлар!*



ТОМ МАРКАЗИ
«STIL INVEST SERVIS»
ЖАМОАСИ

**диёримиз аҳли ва меҳмонларини
Истиқлол айёми билан
муборакбод этади!**

*Озод ва обод Ватанимизнинг
ҳар бир гўшасидан файзу барака,
тинчлик-тотувлик асло аримасин.
Бахту саодат, омад ва зафарлар
бизни ҳеч қачон тарк этмасин!*




Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджет Г — 854. 79 697 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзловлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда оператор Ж. Тоғаев
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Набатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ
Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

